

Бурҳониддин АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

СИЛАИ РАҲМ – ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

“Сила” сўзи луғатда боғлаш, “рахм” сўзи эса бачадон ва қариндошлик маъноларини англатади. Раҳмининг асл маъноси бачадон бўлиб, мажозий тарзда қариндошлик маъносида қўлланилади. Чунки қариндошлар битта қориндан туғилади. Истилоҳда эса қариндошлик ришталарини боғлаш, мустаҳкамлаш, уларга эҳсон билан муомала қилиш ва ёмонлик қилиб, алоқаларни узмаслик тушунилади¹.

Аллоҳ таоло қариндошлик муомалаларида таквога чакириш, шундай деган: **“...Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир”** (“Нисо” сураси, 1-оят). Ибн Аббос (р.а.)дан бу борда қуйидаги ривоят мавжуд: “Аллоҳ таоло: “Қариндошлар борасида такво қилинлар ва қариндошлик ришталарини боғланглар!”, демокда”. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: “Аллоҳга такво қилинлар ва қариндошлик ришталарини боғланглар! Чунки бу сизлар учун дунёдаги энг такволи ва охиратдаги энг яхши нарсадир!”². Абул Баракот Насафий (а.р.) мазкур оятни шундай шарҳлайди: “Қариндошлик ришталарини узишдан сақланинлар”³.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам силаи раҳм қилишга тарғиб қилганлар. Жумладан, Абу Ҳурайра

(р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Аллоҳ таоло мавжудотларни яратди. Уларни яратиб бўлгач, раҳм (бачадон) ўрнидан турди ва шундай деди: “Қариндошлик алоқаларининг узулишидан асрашингни тилайдиган жойи ҳали шу бўлдимиз?!” деди. Аллоҳ таоло: “Ҳа, сени боғлаганни боғласам ва сени кесганни кессам, рози бўласанми?”, деди. Раҳм: “Ҳа”, деди. Шунда Аллоҳ таоло: “Ундай бўлса, сен учун шундай қиламан”, деди”⁴. Ушбу ҳадисда қариндошлик ришталарини боғлаган одамга Аллоҳ таоло улкан савобларни бериши, уни узганни эса қаттиқ азоблаши айтилган. Бошқа бир ҳадисда Оиша (р.х.) шундай ривоят қилади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Қариндошлик Аршга осилгандир. У: “Ким мени боғласа, Аллоҳ ҳам уни (Ўзи)га боғлайди. Ким мени узса, Аллоҳ ҳам уни (Ўз раҳматидан) узади”, дейди”. Жубайр ибн Мутъим (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган: “Қариндошлик алоқаларини узувчи Жаннатга кирмайди”⁵. Абу Ҳурайра (р.а.) шундай ривоят қилади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Амаллар ҳар пайшанба куни – жума куни тунда (Аллоҳга) кўрсатилади. Қариндошлик алоқасини узган одамнинг амали (Аллоҳнинг ҳузурига) кўтарилмайди”⁶.

Ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Бир аъробий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ (с.а.в.)! Мен саҳролик одамман ва ўзимга яраша бойлигим бор! Менинг онам, отам, синглим, укам, амаким, аммам, тоғам ва холам бор. Уларнинг қай бирига силаи раҳм қилган афзал?”, деб сўради. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Онангга, отангга, синглингга, укангга ва улардан кейингиларга

¹ Қаранг: Аллома Роғиб Асфажоний. Муъжам муфрадот алфаз ал-Қуръан. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2002. – Б. 347; Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 ҳ. – Б. 486 (Ўз-ХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).

² Қаранг: Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот Аҳл ас-сунна. Ж.1. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 2004. – Б. 351-352

³ Абул Баракот Абдуллоҳ Насафий. Мадорик ат-Танзил ва ҳақоик ат-таъвил – Тафсир ан-Насафий. Ж.1. – Дамашк: Дар ал-калим ат-таййиб, 2005. – Б. 327.

⁴ Қаранг: Бадруддин Айний. Умдат ал-корий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.19. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 247-248; Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Таржимон: Шайх Абдулазиз Мансур. Саҳиҳи Бухорий. Ж.2. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 191; Муҳаммад Такий Усманий. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2554-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 174-175 (Ҳадис лафзи “Саҳиҳ Муслим”дан олинган).

⁵ Муҳаммад Такий Усманий. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2555-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 175-176.

⁶ Абу Бакр Аҳмад Байҳакий. Шуъаб ал-иман. Ж.6. – Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 224.

ҳамда улардан кейингиларга”, деб жавоб бердилар”⁷. Имом Қуртубий (а.р.) кимлар қариндош бўлиши мукминлигини қуйидагича тушунтиради: “Қариндош деганда кишининг икки тарафи, яъни ота-онаси ва фарзандлари тарафидан бўлган одамлар, шунингдек, бу икки тарафга алоқадор бўлган инсонлар, масалан, амаки, амма, тоға, хола, ака-ука, опа-сингил ва уларнинг фарзандлари тушунилади”⁸. Олимлар юқоридаги оят ва ҳадислардан хулоса қилиб бир овоздан силаи раҳм қилиш умумий маънода вожиб, уни узиш эса гуноҳи қабира эканини таъкидлаганлар. Сила раҳмнинг ўз даражалари мавжуд бўлиб, бири бошқасидан устун туради. Бу даражаларнинг энг пастки поғонаси аразлашмаслик ва салом билан бўлса ҳам алоқа қилиб туришда намоён бўлади. Силаи раҳм инсоннинг қудрати ва ҳолатига қараб турлича тус олади. Жумладан, баъзи ўринларда силаи раҳм қилиш вожиб, айрим ҳолатларда эса мустаҳаб бўлиши мумкин⁹.

Имом Қуртубий (а.р.) шундай дейди: “Силаи раҳм умумий ва хусусий маъноларда қўлланилади. Умумий маънода диндаги қардошлик тушунилади. Мусулмонлар ўзаро дўстона, адолат, инсоф, ҳақ-ҳуқуқларга риоя қилиш ва насихат билан алоқа ўрнатишлари вожиб саналади. Хусусий маънода эса, яқин инсонларни нафақа билан таъминлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ва уларни ёмонликлардан ҳимоя қилиш каби хусусиятлар тушунилади”¹⁰.

Ибн Абу Жумра (а.р.) шундай дейди: “Силаи раҳм мол-давлат билан ёрдам бериш, муҳтожларнинг эҳтиёжини қондиришга қўмаклашиш, зарарни бартараф этиш, очик юз билан муомала қилиш ва дуо қилиш билан амалга оширилади”¹¹.

⁷ Абу Бакр Аҳмад Байҳақий. Шуъаб ал-иман. Ж.6. – Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 181.

⁸ Муҳаммад Такий Усманий. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2554-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 175.

⁹ Қаранг: Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.19. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 248.

¹⁰ Муҳаммад Такий Усманий. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2554-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 175.

¹¹ Муҳаммад Такий Усманий. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2554-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 175.

Силаи раҳм ва ризқ ҳамда умр. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган: “Расулulloҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитганман: “Кимни ризқнинг кенг ва умрнинг узун бўлиши қизиқтурса, силаи раҳм қилсин!”¹² Аслида ризқ ва умр тақдирда олдиндан белгиланган бўлиб, зиёда ҳам, кам ҳам бўлмайди. Мазкур ҳадис ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларни қандай тушуниш керак, деган савол туғлиши табиий. Бу саволга олимлар қониқарли жавоб берганлар. Биринчидан, ҳадисда умрнинг баракаси зиёда бўлиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Банда Аллоҳнинг тавфиқи билан ибодатларни ихлос билан бажариши ва шу орқали умрини зое бўлишидан асраши умрнинг баракали бўлишини англатади. Демак, бу фикрга қўра, ҳадисда умр ва ризқнинг миқдори эмас, балки қайфияти ва ҳолати баён қилинган. Иккинчи тоифа олимларнинг фикрига қўра, мазкур ҳадисда ризқ ва умрнинг асл моҳияти қўпайиши таъкидланган. Яъни, ризқ ва умр Аллоҳнинг илмида қамаймайди ҳам, қўпаймайди ҳам. Лекин умр ва ризққа вакил қилинган фариштанинг илмида қўпайиши ёки қамайиши мумкин. Зеро, “Лафҳи Маҳфуз”да банданинг тақдири қуйидагича битилади: “Фалончи олтмиш йил яшайди. Лекин силаи раҳм қилса, яна ўн йил умр кўради, жами етмиш йил яшайди”, деб ёзилган. Аллоҳ таоло банданинг силаи раҳм қилиш ёки қилмаслигини олдиндан билади. Шунинг учун унинг қанча умр кўриши ҳам Аллоҳга аёндыр. Лекин фаришта банданинг келажакда қайси йўлни танлашини олдиндан билмайди. Учинчидан, баъзи олимларнинг фикрига қўра, банда вафот этса-да, у бажарган яхшиликлар: фойдали илм қолдиргани, садақан жория қилгани ёки солиҳ фарзанд тарбия қилгани боис тирик ҳисобланади. Демак, мазкур ҳадисда яхши ном қолдириш назарда тутилган¹³. Саййид Ализода (а.р.) юқоридаги фикрларнинг орасида қайси бири ҳақиқатга яқинроқ эканини қуйидагича изоҳлайди: “Ар-равза” асари муаллифи Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан

¹² Қаранг: Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.22. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 142-143; Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. Одоб китоби, 6-боб, 2557-ҳадис. – Байрут: Дар ал-маърифат, 2005. – Б. 1171 (Ҳадис лафзи “Саҳиҳ ал-Бухорий”дан олинган).

¹³ Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.22. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 143.

куйидаги марфуъ ҳасан ҳадис ривоят қилган: “Инсон умри тугашига уч кун қолганда силаи раҳм қилади. Шунда Аллоҳ унинг умрини ўттиз йилга узайтиради. Киши умри тугашига ўттиз йил қолганида силаи раҳмни кесади. Шунда Аллоҳ унинг умрини уч кунга қисқартиради”. Бу ҳадис иккинчи тоифа олимларнинг сўзлари тўғри эканини қўллаб-қувватлайди”¹⁴.

Силаи раҳм нафақат ризқ ва умрнинг кўпайтиради, балки мол-давлатни ҳам мўл-кул қилади, ёмонликлардан асрайди ва юртни обод этади. Бу ҳақда Абу Ҳурайра (р.а.) шундай ривоят қилади: “Силаи раҳм оилада муҳаббат уйғотади, мол-давлатни кўпайтиради ва умрни узайтиради”. Али (р.а.)дан шундай ривоят қилинади: “Кимни умрнинг узун, ризқнинг кенг бўлиши ва ёмон ўлим топишдан халос бўлиш қизиқтурса, силаи раҳм қилсин!” (Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Баззор, Табароний ва Ҳоким (а.р.) ривояти). Оиша (р.х.)дан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда куйидагилар айtilган: “Силаи раҳм, яхши кўшничилик ва гўзал хулқ юртларни обод қилади ва умрларни узайтиради”. Али (р.а.)дан шундай ҳадис ривоят қилинган: “Расулуллоҳ (с.а.в.)дан куйидаги оят ҳақида сўршади: “Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) **ўчирур ...**” (“Раъд” сураси, 39-оят) Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: “У садақани ўз ўрнида тўлиқ бериш, ота-онага яхшилик қилиш, яхшилик кашф қилиш ва силаи раҳмдир. Булар бахтсизлик (дўзахийлик)ни саодат (жаннатийлик)га айлантиради, умрни зиёда қилади ва ёмонлик ҳалокатларидан асрайди. Эй, Али (р.а.)! Кимда мазкур хислатлардан бири бўлса, Аллоҳ таоло унга юқоридаги учта хислатни ато қилади”¹⁵.

Силаи раҳм – ёмонликка яхшилик. Ҳасан ва Фитр (а.р.)лар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан куйидаги марфуъ ҳадисни ривоят қилганлар: “Яхшиликка яхшилик билан жавоб қилган одам силаи раҳм қилувчи эмас, балки қариндошлик ришталарини узган одам билан алоқа ўрнатган ҳақиқий силаи раҳм қилувчидир”¹⁶. Ушбу ҳадисда силаи раҳмнинг асл моҳияти баён қилинган. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш

савобли амал, албатта. Лекин у силаи раҳм эмас, қайтариш деб аталади. Умар ибн Хаттоб (р.а.) бу ҳақда шундай деган: “Қариндошлик ришталарини боғлаган одамга қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш билан жавоб қайтариш силаи раҳм ҳисобланмайди, балки у қасос деб аталади. Силаи раҳм сиз билан алоқани узган қариндошингиз билан алоқани тиклашингиздир”¹⁷.

Абу Ҳурайра (р.а.) шундай ривоят қилади: “Бир киши: “Ё Расулуллоҳ (с.а.в.)! Менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиламан, улар эса қариндошлик ришталарини узадилар. Мен уларга эҳсон (яхшилик) қиламан, улар эса менга ёмонлик қиладилар. Мен уларга мулойимлик билан муомала қиламан, улар эса менга кўпол муомалада бўладилар”, деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Агар айтганингдек бўлсанг, сен гўё уларга иссиқ кул едираётган бўласан. Модомики шундай давом этар экансан, Аллоҳнинг ёрдами доим сен билан бирга бўлади”, дедилар”¹⁸. Ушбу ҳадисда қариндошлик ришталарини узиш нақадар оғир жиноят экани яна бир бор ўз исботини топган. Ҳадисда яхшилик қилганга ёмон муносабатда бўлиш иссиқ кулни ейиш билан тенглаштирилган. Иссиқ кулни тановвул қилиш инсон саломатлигига қандай катта зарар берса, қариндошлик ришталарини бузиш ва яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариш ҳам инсоннинг дунё ва охиратда зарар ва азобга дучор бўлишига сабаб бўлади. Турбуштий (а.р.) бу ҳақда шундай дейди: “Қариндошларингизга яхшилик қилсангиз, улар эса бунга жавобан ёмонлик қилсалар, уларнинг бу ёмонликлари ўзларига зарар бўлиб қайтиб келади. Сизнинг бу яхшилигингиз эса, уларга жаҳаннам оловини едиришингизга ўхшайди”¹⁹.

Закот ислом динининг асосий арконларидан бўлиб, бандаларнинг мол-давлати покланиши ва баракали бўлишини таъминлайди. Закот ва садақанинг энг афзали қариндошларга берилган садақа ва закотдир. Олимларнинг таъкидлашларича, қариндошга берилган

¹⁴ Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 ҳ. – Б. 487 (ЎзХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).

¹⁵ Қаранг: Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.22. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 143-144

¹⁶ Абу Исо Муҳаммад Термизий. Жомий ат-Тирмизий. Бир ва сила боблари. 10-боб. 1908-ҳадис. – Ар-Риёд: Дар ас-салом, 1999. – Б. 446.

¹⁷ Бадруддин Айний. Умдат ал-қорий – Шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж.22. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 149.

¹⁸ Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. Одоб китоби, 6-боб, 2558-ҳадис. – Байрут: Дар ал-маърифат, 2005. – Б. 1172.

¹⁹ Қаранг: Муҳаммад Тақий Усмоний. Такмила Фатҳ ал-мулҳим би шарҳ Саҳиҳ ал-Имам Муслим. Ж.5. Бирр ва сила ва одоб китоби, 6-боб, 2558-ҳадис. – Дамашк: Дар ал-қалам, 2006. – Б. 176.

садақага иккита савоб ёзилади: бири садақа қилгани учун, иккинчиси қариндошга яхшилик қилгани учун. Рукнулислом Бухорий (а.р.) қариндошларга бериладиган садақаларнинг ҳам энг афзали бор экани ҳақида шундай дейди: “Қариндошга берилган садақа энг афзал садақадир. Шунингдек, қариндошларга берилган садақаларнинг ҳам энг афзали бор. У ҳам бўлса, қалбида адовати бор, қариндошлик ришталарини узган қариндошга садақа қилишдир”²⁰.

Силаи раҳм ва зиёрат. Зиёрат ислом динининг ўзига хос суннатларидан бўлиб, одамлар орасида меҳр-оқибат, улфатлилик ва дўстликни оширишга хизмат қилади. Хусусан, ота-она ва яқин қариндошларни зиёрат қилиш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш улуғ фазилатлардан саналади. Лекин ислом таълимотида зиёратнинг ҳам ўз меъёри бор. Бу борада Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Ҳурайра, Абу Зарр ва Жобир (р.а.)ларга қариндошларни ҳар куни зиёрат қилишдан қайтарганлар. Жумладан, Абу Ҳурайра (р.а.)га шундай деганлар: “Кеча қаерда эдинг, эй Абу Ҳурайра (р.а.)?” Абу Ҳурайра (р.а.): “Оиламдан баъзи одамларни зиёрат қилдим”, деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кунора зиёрат қил, шунда муҳаббат ортади”, дедилар²¹. Ушбу ҳадисларга суянган ҳолда олимлар қариндошларни ҳар куни муттасил зиёрат қилмаслиқни, балки ҳеч бўлмаганда, кунора зиёрат қилишни тавсия қиладилар. Зеро, бир муддат кўришмаслик одамлар орасида муҳаббат ва улфатлиликни уйғотади. Шунинг учун фақиҳлар ҳар ҳафта ёки ҳар ой қариндошларни зиёрат қилиб туришни мустаҳаб деганлар²².

Али ибн Ҳасан Ҳилолий (а.р.) бу ҳақда шундай деган: “Кўп зиёрат қилманг. Бу айрилиққа сабаб бўлиши мумкин. Ёмғирдан ибрат олинг! Агар узоқ вақт ёғмай кўйса, одамлар қўлларини очиб, ёғишини интизорлик билан кутадилар”²³. Шунинг учун баъзи улуғлар

қариндошлар билан кўшни бўлишни макрух санаганлар. Чунки бу аста-секин қариндошлар орасига совуқлик тушиб, алоқаларнинг узилишига сабаб бўлиши мумкин. Ривоят қилишларича, Умар (р.а.) ҳокимларга шундай мактуб жўнатар эди: “Қариндошларни бир-бирларини зиёрат қилишга буюринглар! Улар бир-бирлари билан кўшни бўлишларига йўл қўйманглар!” Қариндошларнинг ўзаро кўшни бўлиб яшашлари ва ҳар куни кўришиб муомалада бўлишлари ҳуқуқларнинг поймол бўлишига сабаб бўлади. Ҳатто, баъзи ҳолларда нафрат ва қариндошлик алоқаларининг узилишига ҳам олиб келади. Шунинг учун Умар (р.а.) мазкур мазмунда мактуб йўллаган²⁴.

Силаи раҳм ва ёрдам. Аллоҳдан ўзга ҳар бир мавжудот муҳтож бўлади. Жумладан, инсонлар аксарият эҳтиёжларини қондиришда ўзгаларнинг ёрдамига таянадилар. Айниқса, инсон бу борада қариндошларга кўпроқ мурожаат қилади. Шунинг учун Аллоҳ таоло қариндошларни ўзаро бирдамликка чақириб, шундай деган: **“Бас, қариндошга ҳаққини адо этинг! Мискин ва мусофирга ҳам. Ана шу Аллоҳнинг “юзи”ни истайдиганлар учун яхшидир. Айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир”** (“Рум” сураси, 38-оят). Имом Мотуридий (а.р.) оятдаги “қариндошга ҳаққини адо этинг!” жумласини эҳтиёжини қондириш, деб тафсир қилган²⁵. Рукнулислом Муҳаммад Бухорий (а.р.) бу ҳақда шундай дейди: “Қариндошлар бир тану бир жон бўлиб, бир-бирларига ёрдам беришлари ва ҳимоя қилишлари лозим. Бирининг бошқасига ҳожати тушса, ёрдамини аямасин! Чунки бу қариндошлик алоқасини узиш ҳисобланади. Амаки, ака ва тоға ота ўрнида бўлади. Хола ва амма эса онанинг ўрнида бўлади. Уларни ўз ўрнида кўриш ҳурмат, эҳтиром, таъзим, хизмат ва итоат билан амалга оширилади. Аканинг укадаги ҳаққи отанинг фарзанддаги ҳаққи кабидир. Агар қариндоши қул бўлса, уни сотиб олиб озод қилсин. Чунки бу ҳам силаи раҳмдир!”²⁶

²⁰ Қаранг: Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 х. – Б. 184-185 (ЎЗХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).

²¹ Қаранг: Абу Бакр Аҳмад Байҳакий. Шуъаб ал-иман. Ж.6. – Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 326-328.

²² Қаранг: Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 х. – Б. 488 (ЎЗХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).

²³ Абу Бакр Аҳмад Байҳакий. Шуъаб ал-иман. Ж.6. – Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 327.

²⁴ Қаранг: Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 х. – Б. 488 (ЎЗХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).

²⁵ Қаранг: Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот Аҳл ас-сунна. Ж.4. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 2004. – Б. 52.

²⁶ Саййид Ализода. Шарҳ Ширъат ал-ислам. – Истамбул: Дар ат-тибаъа ал-омира, 1306 х. – Б. 488 (ЎЗХИА Манбалар хазинаси. Инв. № 23, тошбосма асар).